

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,  
2021.

**Н.Матхошимов, Э.Исаков**

Фарона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....203

**А.Шерматов, А.Юсупова**

Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....210

**О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев**

Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....213

**Х.Лутфуллаева**

Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўнималари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....217

**И.Аскаров, Д.Хожиматова**

Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....222

**А.Шарафиддинов**

Фарона водийси қишлоқларида ҳалқ ғалаёнлари (XIX аср охири) .....226

**А.Ғаниев**

Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....230

**Х.Муҳаммедова**

Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....233

**Х.Хайтов**

Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....236

**Г.Умаржонова**

Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шакланиши.....239

**Л.Галимуллина**

Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили.....242

**И.Аҳмаджонов**

Морфемик бирликларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....245

**М.Сайдакбарова**

Мангуликка даҳлдор сўз.....249

**Д.Қаландарова**

Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....252

**И.Жўраев**

Бурч ва масъулиятнинг бадиий-фалсафий талқинлари.....256

**Ф.Анварова, Н.Тоирова**

Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар .....259

ИЗОБРАЖЕНИЕ СИМВОЛОВ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ШАРЛОТТЫ БРОНТЕ

DESCRIPTION OF SYMBOLS IN CHARLOTTE BRONTE'S NOVELS

Мухаммедова Хулкар Элибоевна<sup>1</sup>

**1Мухаммедова Хулкар Элибоевна**

– Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, фалсафа доктори PhD, доцент.

**Аннотация**

Мақолада XIX аср викториан даври инглиз адабиёти вакиласи бўлган Шарлотта Бронте ижоди таҳлилга тортилган. Шарлотта Бронте ижодидаги рамзлар тасвири унинг асарлари мисолида очиб беришга ёзтибор қаратилган.

**Annotation**

In article analyzed the creative work of Charlotte Bronte, English writer of Victorian period. The depiction of symbols in her works was revealed on the examples of her works.

**Таянч сўз ва иборалар:**аёллар насли, биография, рамз, қуш, табиат, асар.

**Ключевые слова и выражения:**женская проза, биография, символ, птица, природа, произведение.

**Keywords and expressions:** women prose, biography, symbol, bird, nature, novel.

Жаҳон адабиётида баҳсталаб мавзулардан бўлган аёллар насли хақида бугунги кунгача талай тадқиқотлар олиб борилаётганлиги сир эмас. Мазкур тадқиқотларда долзарб мавзу сифатида қайд этилган аёллар насли аввало унинг тарихи, ривожланиш босқичларини туб илдизларигача очиб беришни тақозо этади. Мақоламиизда мана шундай аёллар насли давомчиси бўлган Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвирини таҳлилга тортамиз.

XIX асрнинг ўрталарида адабиётга кириб келган Шарлотта Бронте давр тақозосига кўра Кюрер Бэлл псевдоними билан танилди. Бронте феномени бўйича олиб борилган тадқиқотлар жуда катта ҳажмни ташкил қиласди. Уларнинг барчасида адаби ижоди биографик метод асосида таҳлил қилинган.

Инглиззабон адабиётшунослар томонидан ўрганилган опа-сингил Бронтелар ҳаёти ва ижоди катта ҳажмга эга тадқиқотларни ташкил этади. XIX аср тадқиқотлари асосан опа-сингил Бронтелар биографияси аспектида ўрганилди. Уларнинг биографияси, хусусан, Ш.Бронте ҳаётини ўрганишда Э.Гаскеллнинг 1857 йилда ёзган "The Life of Charlotte Bronte" асари, шубҳасиз,

катта аҳамият касб этади. Мазкур китоб ҳозирги кунгача опа-сингил Бронтелар ҳаётини ўрганишдаги илк фундаментал ва фактларга бой тадқиқот ҳисобланади. "The Life of Charlotte Bronte", деб номланган асар адаби вафот этганидан сўнг унинг отаси Патрик Бронте илтимосига биноан Э.Гаскелл томонидан яратилади [2,318]. Э.Гаскелл Ш.Бронтенинг яқин дугоналаридан бўлиб, улар тез-тез хат ёзишиб туришган. Мана шу сабаб айнан Э.Гаскелл адабанинг ҳаётини том маънода чуқур очиб бера олган. Э.Гаскелл асарида шахсий хатлар, кундалик, Бронтелар оиласининг дўстлари хотиралари каби ҳақиқий ҳужжатлардан жуда унумли фойдалана олган. Бу, асарнинг илмий қийматини кўрсата оладиган далилdir.

Асарда Э.Гаскелл Бронтелар оиласи ҳаёти бутун тафсилотлари билан ҳикоя қиласди. Оила тарихини ирландларга бориб тақалувчи катта боболаридан бошлайди. Э.Гаскелл Патрик Бронте фарзандларига табиат ато этган ноёб истеъдодни очиб беришга уринади. Муаллиф асосий ёзтиборни опа-сингил ва аканинг кўп вақтларини уйда ўтказганлигига қаратади. Э.Гаскелл опа-сингил Бронтелар истеъдоди айнан тақдир томонидан берилган ноёб

тухфа уларда жуда кучли ва ўзига хос равища ривожланганлигини таъкидлайди.

Опа-сингил Бронтелар биографиясини ўрганган ва янги тадқиқотларга йўл очиб беришга хизмат қилувчи В.Райтнинг “The Brontes in Ireland: Or, Facts stranger than fiction – Бронтелар Ирландияда ёки фактлар, ҳайратли фантазия”

[5,148] номли монографиясидир. Ўз монографиясида муаллиф оила биографиясини Бронтелар оиласига алоқадор турли тарихий фактлар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилади.

XX-XXI асрларда бундай тадқиқотлар салмоғи янада ортди. Жумладан, К. Шортер, В. Вульф, Е. Бенсон, Т.Вайс, Р.Вилсон ва кўплаб тадқиқотчилар кабилар тадқиқот олиб бордилар[3].

Монографиялар билан бирга тадқиқотчилар изланишларини акс эттирган тўпламлар ҳам яратилади. Ношир Я.Грегор томонидан нашр этилган “A Collection of Critical Essays – Танқидий мақолалар тўплами”, Ж.Онейл ноширлигига “Critics on Charlotte and Emily Bronte – Шарлотта ва Эмили Бронте ҳақида танқид” тўпламлари бунга яқол мисол бўла олади [4,270]. Турли йилларда яратилган катта ҳажмдаги тадқиқотлар мана шу шаклда опа-сингил Бронтелар ижоди ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

XX-XXI аср инглиззабон тадқиқотчилари Бронтелар ижодини турли ёндашувлар асосида ўрганишга уринишли. XIX ва XX-XXI асрларда адабиётшунослар опа-сингил Бронтелар ижодини асосан биографик метод асосида таҳлилга тортишиди.

Шарлотта Бронте ўз асарларида рамзлардан унумли фойдаланибигина қолмай, уларни қўллаб, маҳорат билан тасвиrlай олган. “Жейн Эйр” асарида қушлар тасвиридан унумли тасвиrlаш услуги Томас Бэвикнинг икки томли “Британия қушлари тарихи” асари билан узвий боғлиқдир. Адиба Британия қуш турларини ўзида мужассам этган юздан ортиқ орнитологияга оид адабиётдан фойдаланган. Ёзувчининг учта – “Жейн Эйр”, “Шаҳарча”, “Виллет” асарларида қуш рамзларини акс эттиради. Хусусан, “Жейн Эйр”да жаноб Рочестер “аслзода бургут” бўлса, Жейн “чумчук”ка қиёсланади, “Шаҳарча”, “Виллета” асарларида эса олтмиш бешта орнитологик аллюзия

учрайди. Дастлаб қушлар табиат тасвиrlарида намоён бўлса, қуш рамзлари эса асар таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади.

“Жейн Эйр” асарида қуш рамзи эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни ифода этади. Бундай хусусият адабанинг қолган икки асарида деярли учрамайди. Адабиётшунос Тиллотсон адабанинг асарларида рамзларни қисман таҳлил қилади, аммо у қуш рамзларини эътибордан четда қолдирган. Орнитологик аллюзиялар Ж.В.Штедманнинг “Ш.Бронте ва Бэвикнинг “Британия қушлари”” асаридан бошланади. Аҳамиятга молик тарафи шунда эдикি, юқорида таъкидланган “Британия қушлари” асари ёзувчининг севимли китобларидан бўлган. Фикримизнинг исботи эса бу “Жейн Эйр” асарининг ilk саҳифасида айнан мана шу асар тилга олинади. Жейн қушлар мотивини асарнинг ilk саҳифасида уларни таниширишдан бошлайди: “– Бэвикдан чексиз миннатдорман, мен жуда баҳтлиман, ўз ҳаётимдан мамнунман” деб ҳикоя қилади. Жейннинг болалагида хурсанд қилган икки нарсанинг бири – бу чинни тарелкага жаннат қушлари тасвирини чизиш бўлса, иккинчиси мана шу чиннига безак беришда орттирган тажрибаси эди. Мана шу икки нарса Гэйтсхедда ўказган болалигига рўй берган илк хурсандчилик онлари эди.

Шарлотта Бронте асарларида қуш рамзлари қуйидагича кўринишда ифода этилади:

1. Қушлар табиат тасвиrlарида намоён бўлиши;
2. Қуш рамзлари инсон характерини ифодаловчи восита сифатида;
3. Қушлар баҳт, муҳаббат ва ишончни ифода этувчи восита сифатида акс этади.

Жейннинг жияни бўлган Жон унга ҳам руҳан, ҳам жисмонан азоб берарди. Асада бу қуйидагича ифода этилади: “ - ҳеч ким тўхтата олмасди уни у кабутарнинг бўйини қайирди ва унинг болаларни ҳам ўлдириди”. [1,15] Жон Жейнни ҳақорат қилар ва бунга унинг синглиси Жоржиана ҳам қўшиларди. Иккаласининг олдида у нимжон ва кичкина эди. У Ловуд қизлар мактабига йўл олар экан, ўзига назар ташлаб: “attraction in the spectacle of a hungry robin - спектаклда ўзига жалб қилувчи оч ва нимжон тоғчумчуги” деб ўзини ҳис қилади [1,30]. Торнфилдга гувернантка сифатида ишга таклиф қилинган

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

Жейнга жаноб Рочестер “ a curious sort of bird - ғалати қүш тури” [1,133] деб баҳо беради. Торнфилдга келиб қасрни айланар әкан, Жейн учинчи қаватда жойлашган ётоқхона деворига илингандык расмни қуидагича: “ old English hangings crusted with thick work, portraying effigies of strange flowers and stranger birds - эски инглиз услубида ишланган усти юпқа расмда ғалати гуллар ва қушларнинг тасвири” [1,102] тасвирлайди.

Асарда жаноб Рочестер уюштирган зиёфатда ҳам қүш рамзлари Жейн томонидан кенг талқин этилади. Жейн зиёфатга ташриф буюрган хонимларни кузатар әкан: “ fluttering and waving plumes seems flock of white plumy birds- ҳилпираб турган рўмол ва жига тақсан хонимлар оқ укпарли қушлар тўдасини эслатарди” [1,163]. Жейн учун улар эркаклар олдида кўзга ташланмайдиган ҳамроҳлар эди. Бу ҳатто Ловуд қизлар мактабидаги жаноб Броклерст атрофидаги тұяқуш укпар ва жигаларини тақувчи хонимларнан ҳам учрайди. Грек антологиясига кўра, тұяқуш ер юзидағи энг

фаросатсиз жонзот сифатида ифода этилади.

Жаноб Рочестер таклифига кўра зиёфатга келган аёллар Жейн назарида бу хонимлар типи эгоист, кеккайган ва бўш тафаккур шахс типини намоён этади. Аёллар орасида Бланше Ингрэм хақиқий аристократ намунаси эди. Мафтункор Бланше чиройли сочлари ва кўриниши билан меҳмонлар орасидаги қора қузғунни эслатарди. Жейн айнан Бланшени “қора қузғун - raven-black” [1,151] деб атайди. Жаноб Рочестернинг қариндоши бўлган жаноб Мэйсонни эса кўриниши ва муомаласига қараб “кучли лочин – fierce falcon” [1,181] сифатида тасвирлайди.

Асарда қүш рамзлари адаба томонидан маҳорат билан тасвирланади. Ҳар бир деталь ёки қаҳрамон сифатига қараб уларни қүш рамзлари орқали очиб беришга ҳаракат қиласади. Бу эса адабанинг орнитологияга бўлган қизиқиши жуда кучли бўлганлигини исбот қиласади. Шарлотта Бронтенинг ҳар бир қушни дикқат-эътибор билан ўрганганлигини кўрсатади.

### Адабиётлар:

1. Bronte Ch. Jane Eyre. Boston: Houghton Mifflin Company, 1959.
2. Gaskell E. C. The Life of Charlotte Bronte. London, 1857.
3. Shorter C. The Brontes and their circle. London, 1917, Woolf V. Jane Eyre and Wuthering heights. The Common Reader. London, 1925. P.196 – 204, Benson E. F. Charlotte Bronte. New York, 1932, Wise T. J. and Symington J. A. The Brontes: their lives, friendship and correspondence. London, 1932, Wilson R. All Alone: The Life and Private History of Emily Jane Bronte. Kessinger Publishing, LLC, 2003.
4. The Brontes: A Collection of Critical Essays: Critics on Charlotte and Emily. ed. by I. Gregor. – New York, 1970.
5. Wright W. The Brontes in Ireland; or, Facts stranger than fiction. London, 1894.

(Тақризчи: А.Қасимов – филология фанлари доктори).